



Yo'lqurilish
Aksiyadorlik Jamiyati

«Йўлқурилиш» Акциядорлик Жамияти

**Коррупциявий ҳуқуқбузарликлар
учун жавобгарлик тамоилдан келиб
чиқиб, «Йўлқурилиш» АЖда олиб
борилган тарғибот ишлари юзасидан**



“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик – коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш”

(“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддаси).

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик
(ижтимоий хавфлилиги кўра)

маъмурий ҳуқуқбузарликлар

жиноятлар

МАНСАБДОР ШАХС

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддаси (“Мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги”) ва Жиноят кодекснинг VIII бўлимига (“Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси”) кўра, мансабдор шахс деб, қўйидаги фаолиятни амалга оширадиган шахс тушунилади:

ҳокимият вакили
вазифаларини
бажарадиган

ташкilotда
ташкилий-
бошқарувни
амалга
оширадиган

ташкilotда
маъмурий-хўжалик
вазифаларини
амалга
оширадиган

ташкilotда
юримдик аҳамиятга
эга ҳаракатларни
содир этадиган

ХИЗМАТЧИ

Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчиси деганда:

- меҳнат шартномаси ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида меҳнат фаолиятини амалга оширувчи, мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс тушунилади.

► **Маълумот учун:** Давлат фуқаролик хизмати лавозимида ўз фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси давлат фуқаролик хизматчисидир (*Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги ЎРҚ-788-сон «Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида»ги Қонуни*).

Коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликларга қўйидагилар киради:




МЖтК 61¹-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

МЖтК 193¹-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

МЖтК 193²-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши.

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди билан белгиланган.

МЖТК 61¹-моддаси. НОДАВЛАТ ТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ЁКИ БОШҚА НОДАВЛАТ ТАШКИЛОТИНИНГ ХИЗМАТЧИСИНИ ПОРА ЭВАЗИГА ОҒДИРИБ ОЛИШ



Модданинг 1- ва 2-қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этиш, базавий ҳисоблаш миқдорининг **йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

МЖТК 193¹-моддаси. ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ, ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ТАШКИЛОТНИНГ ЁКИ ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИНИНГ ХИЗМАТЧИСИНИ ПОРА ЭВАЗИГА ОҒДИРИБ ОЛИШ

МЖТК 193¹-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига:

- мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш ёки уни мулкӣ манфаатдор этиш **орқали содир этилади.**

Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун, **“пора” бераётган 16 ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилади.**



Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун, қонунда базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўттиз бараваригача миқдорда жарима** жазоси назарда тутилган.

МЖТК 193¹-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишлар Жиноят ишлари бўйича судлари томонидан кўриб чичилади (МЖТК 245-модда).

МЖТК 193²-моддаси. ДАВЛАТ ОРГАНИ, ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ТАШКИЛОТ ЁКИ ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИ ХИЗМАТЧИСИНИНГ ҚОНУНГА ХИЛОФ РАВИШДА МОДДИЙ ҚИММАТЛИКЛАР ОЛИШИ ЁКИ МУЛКИЙ МАНФААТДОР БЎЛИШИ

МЖТК 193²-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик, хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, ғаразгўйлик мақсадида:

- бажариши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши тушунилади.

Мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун, 18 ёшга тўлган, “пора” олган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчиси жавобгарликка тортилади.



Ушбу маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун, қонунда базавий ҳисоблаш миқдорининг **ўттиз бараваригача миқдорда жарима** жазоси назарда тутилган.

МЖТК 193²-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишлар Жиноят ишлари бўйича судлари томонидан кўриб чичилади (МЖтК 245-модда).



Коррупцияга оид жиноятларга қўйидагилар киради:

- Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш (ЖК 167-модда 2-қисм «г» банди);
- Фирибгарлик (ЖК 168-модда 3-қисми «в» банди);
- Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 192⁹-модда);
- Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 192¹⁰-модда);
- Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш (ЖК 205-модда);
- Мансаб сохтакорлиги (ЖК 209-модда);
- Пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш (ЖК 210,211,212-моддалар);
- Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш (ЖК 213-модда);
- Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши (ЖК 214-модда);
- Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш (ЖК 243-модда);
- Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги (ЖК 301-модда).

Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сонли Низомнинг 3-банди билан белгиланган.

ЖК 167-моддаси. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ

ЖК 167-моддасининг 2-қисми “г” банди қўйидаги қилмиш учун жавобгарликни назарда тутади:

- мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш.

Бунда:

- **ўзганинг мулкни ўзлаштириш** деганда, айбдорнинг қонуний эгалигида бўлган ўзганинг мулкни ўз манфаатлари йўлида мулкдорнинг эркига қарши равишда ушлаб қолиш ва фойдаланиш тушунилади;

- **ўзганинг мулкни растрата қилиш** деганда, айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни қонунга хилоф равишда, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида қайтариш имкониятисиз уларни сарфлаб юбориши ва ҳар қандай усулда ўзидан бегоналаштириши тушунилади (масалан, ўзганинг мулкни истеъмол қилиш, сотиб юбориш, совға қилиш, қарзга бериш ёки мавжуд қарзларини қоплаш ва бошқ.).



ЖК 167-моддасининг 2-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун 18 ёшга тўлган **мансабдор шахс** жинойий жавобгарликка тортилади.

Мазкур жиноятни содир этганлик учун қонунда, ... **5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш** жазоси назарда тутилган.

ЖК 168-моддаси. ФИРИБГАРЛИК

ЖК 168-моддасининг 3-қисми “в” банди қўйидаги қилмиш учун жавобгарликни назарда тутади:

- хизмат мавқеидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш, яъни алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш.

Бунда:

- **алдаш** деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулк эгаси ёки бошқа шахсга маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд мулк эгаси ёки бошқа шахсни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилади тушунилади;

- **ишончни суиистеъмол қилиш** деганда, айбдор томонидан мулк эгаси ёки мулкни учинчи шахсларга бериб юбориш тўғрисида қарор қабул қилишга ваколатли бўлган бошқа шахслар билан бўлган ишончли муносабатлардан ғаразли мақсадларда фойдаланиши тушунилиши лозим тушунилади.

ЖК 168-моддасининг 3-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганлик учун 18 ёшга тўлган **мансабдор шахс** жиноий жавобгарликка тортилади.

Мазкур жиноятни содир этганлик учун қонунда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 400 бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда **5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш** жазоси назарда тутилган.



ЖК 205-моддаси. “ҲОКИМИЯТ ЁКИ МАНСАБ ВАКОЛАТИНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ”

Жиноят кодекснинг 205-моддасида назарда тутилган жиноят, мансабдор шахснинг ўз ваколатидан шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатида, қасддан ноқонуний фойдаланишда ифодаланади.

Бунда, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ғаразғуйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилиши билан характерланади.



Мазкур жиноятни содир этганлик учун қонунда **5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш** жазоси назарда тутилган.

ЖК 209-моддаси. “МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ”

Жиноят кодекснинг 209-моддасида назарда тутилган жиноят учун жавобгарлик, мансабдор шахснинг ғаразгўйлик ёки бошқа манфаатларни кўзлаб:

- расмий ҳужжатларга била туриб **сохта маълумотлар ва ёзувлар киритиш;**
- ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки
- била туриб **сохта ҳужжатлар тузиши** ва тақдим этиш **натijasида келиб чиқади.**



Мазкур жиноятни содир этганлик учун қонунда **5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш** жазоси назарда тутилган.



Жиноят кодекснинг 205 ва 209-моддалар бўйича жавобгарликнинг умумий шарти сифатида, ушбу жиноятларни содир этилиши натижасида:

- кўп миқдорда зарар етказиш (*базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваридан 500 бараваригача бўлган миқдордаги зарар етказиш*) ёхуд

- жиддий зиён етказиш (*фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилиш, давлат ҳокимияти тегишли идораларнинг нуфузи ва ишончининг пасайиши*) белгиланган.

Маълумот учун: Бугунда, базавий ҳисоблаш миқдори – **330 000 сўм** ташкил.

Коррупциянинг энг тарқалган ва энг хавфлиси, бу Жинойт кодекснинг 210-моддасида назарда тутилган **пора олиш** жинойтидир.

Пора олиш:

- 10 йилдан 15 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарликка тортилган мансабдор шахслар статистикаси

2021 йилда – 2 804 нафар
мансабдор шахслар жиноий
жавобгарликка тортилган.

2022 йилда – 3 116 нафар
мансабдор шахслар жиноий
жавобгарликка тортилган.





ПОРА ОЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ТАҲЛИЛИ


СОҲАЛАР КЕСИМИДА



Шунингдек, **91 та** пора олиш жиноятдан **26 таси** ёки **28,5%** бевосита суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан содир этилган бўлиб, умумий пора олиш жиноятининг деярли **учдан бир қисмига** тўғри келган.



Бундан ташқари, **91 та** пора олиш жиноятдан **65 таси** ижро тизимида кирувчи давлат бошқарув органлари ходимлари томонидан содир этилган бўлиб, уларнинг **18 таси (19,7%)**, деярли бешдан бир қисми таълим тизими ходимлари ҳисобига тўғри келган.



ЛАВОЗИМЛАР ДОИРАСИДА



МАНСАБДОР ШАХСЛАРДАН



ЖК 213-моддаси. ДАВЛАТ ОРГАНИНИНГ, ДАВЛАТ ИШТИРОКИДАГИ ТАШКИЛОТНИНГ ЁКИ ФУҚАРОЛАР ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНИНИНГ ХИЗМАТЧИСИНИ ПОРА ЭВАЗИГА ОЎДИРИБ ОЛИШ

ЖК 213-моддасида назарда тутилган жиноят, хизматчига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда:

- содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оўдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш** ёки **уни мулкий манфаатдор этиш** орқали содир этилади.

Ушбу жиноят моҳияти шундаки, бунда жиноят предмети (“пора”) **хизматчига** берилади.

Мазкур жиноятни содир этганлик учун, **хизматчига пора бераётган 16 ёшга тўлган шахс жавобгарликка тортилади.**

ЖК 213-модданинг 1-қисми бўйича жавобгарлик шарти:

- айбдорнинг илгари (бир йил давомида) МЖТКнинг 193¹-моддасида (“*Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оўдириб олиш*») назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортилганлиги.



ЖК 243-моддаси. ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ОШКОРЛАШТИРИШ (“пулларни ювиш”)



Коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этиш орқали топилган даромад (пора олиш)

Давлат бюджетидан ажратилган маблағларни ўзлаштириш орқали топилган даромад



Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш, яъни **пул маблағи ёки бошқа мол-мулкнинг ...**

келиб чиқишига қонуний тус бериш (*ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан уларнинг*)

ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки уларнинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш (*асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини*)

“Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш” жиноятини содир этганлигик учун 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

ЖК 175-модда. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ МАНФААТЛАРИГА ХИЛОФ РАВИШДА БИТИМЛАР ТУЗИШ

Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан бериш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум этилган ҳолда уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги ПФ-6257-сонли Фармони



Фармоннинг 6-бандига асосан, қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш белгиланди:

- Жиноят кодексида коррупцияга оид **жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;**
- коррупцияга оид жиноятлар учун белгиланган жазо чораларини **узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;**
- даромадлар ва мол-мулкни декларациялаш жараёнида аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун **жавобгарлик ўрнатиш;**
- коррупцияга оид жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан жиноий жазони ўташда **енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш.**

МЖТК 23-модда. Маъмурий жазонинг турлари

Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун қуйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

1) жарима;

2) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш;

3) маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара қилиш;

4) муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум этиш;

4¹) ҳақ тўланадиган жамоат ишларига мажбурий равишда жалб қилиш (2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-405);

5) маъмурий қамоққа олиш.

6) чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориш.



ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!